

“APEX BANK”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ
УМУМИЙ ЙИГИЛИШИНING 2-СОНЛИ БАЁННОМАСИ

Тошкент шаҳар

2025 йил 14 май

Тўлиқ номи: “APEX BANK” акциядорлик жамияти

Қисқаририлган номи: “APEX BANK” АЖ

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Содик Азимов кўчаси 77-уй

Акциядорлар умумий йиғилиши тури: навбатдан ташқари умумий йиғилиши

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишининг шакли:

Тегишли материалларни Акциядорлик умумий йиғилиши ўтказилишидан олдин акциядорларга юбориш. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши Банк кузатув кенгашининг 2025 йил 21 апрелдаги 19 - сонли баённомаси қарорига асосан чақирилган.

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилган сана: 2025 йил 14 май

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган манзил:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Содик Азимов кўчаси 77-уй

Умумий йиғилишининг бошланган вақти: соат 15:00

Умумий йиғилишининг тугаган вақти: соат 17:00

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларга маълумот етказиш:

Корпоратив ахборот ягона портали www.openinfo.uz ҳамда банкнинг расмий веб-сайтида ахборот эълон қилинган ҳамда 2025 йил 21 апрел санасига шакллантирилган банк акциядорлари реестри асосида уларга хабар қилинган.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этган шахслар:

Банк акциядорлари	Реквизитлар/паспорт маълумотлари	Акциядорлар эга бўлган овозлар сони	Акциядорларнинг шакллантирилган Банк устав капиталидаги улуши
Ҳаммаси, шу жумладан		500 000 000	100,00%
Пулатов Дилмурод Ильясович	Ўзбекистон Республикаси фуқароси (СТИР: 477220933, ЖШШИР рақами: 31709810210064). Паспорт серияси ва рақами: АС 2777777, 31.01.2018 йилда Тошкент шаҳар ИИБ томонидан берилган. Яшаш манзили: Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Қудуқбоши кўчаси, 39/41-уй.	250 000 000	50,00%

Мухитдинов Хамидулла Нуритдинович	Ўзбекистон Республикаси фуқароси (СТИР: 461066327, ЖШШИР рақами: 30610550190077). ID серияси ва рақами: АЕ 1935148, 13.03.2025 йилда, IV 60006 томонидан берилган. Яшаш манзили: Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Ипакчи МФЙ, Кичик халқа йўли кўчаси, 60А-уй, 79-хонадон.	250 000 000	50,00%
---	--	-------------	--------

2025 йил 07 май ҳолатига тузилган Акциядорлар реестри маълумотларига кўра, “APEX BANK” АЖ акциядорлари – овоз берувчи акциялар эгаларида мавжуд овозлар сони 500 000 000 овозни ташкил этади (битта акция – битта овоз).

Умумий йиғилишда қатнашаётган Акциядорлар – Банк овоз бериш акциялари эгалари ихтиёридаги овозларнинг умумий сони 500 000 000 тани ёки Банк овоз бериш акцияларининг 100,0%ини ташкил этади. **Йиғилиш кворуми – 100,0%.**

Санок комиссия аъзоси **Абдужаббаров Сардор Садриддинович**, “APEX BANK” АЖ Уставига кўра, ушбу навбатдан ташқари Акциядорлар умумий йиғилиши ҳуқуқий кучга эга эканлигини ва мазкур умумий йиғилиш натижаларига кўра, қабул қилинган барча қарорлар ҳақиқий ҳисобланишини айтиб ўтди.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш учун йиғилиш Раиси этиб, Банк кузатув кенгаши раиси **Усманова Барнохон Исмаилходжаевнани**, йиғилиш Котиби этиб, **Мухаммедов Шухрат Шойимович**, сайлаш тўғрисида таклиф киритилди, ушбу таклифлар бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш Раиси:	Банк кузатув кенгаши раиси Усманова Барнохон Исмаилходжаевна
Йиғилиш Котиби:	Корпоратив консультант Мухаммедов Шухрат Шойимович
Таклиф этилганлар:	Банк кузатув кенгаши аъзолари Банк бошқаруви аъзолари

КУН ТАРТИБИ:

1. “APEX BANK” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссияси таркибини тасдиқлаш;
2. “APEX BANK” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
3. “APEX BANK” АЖ Бошқарув раиси ваколатини муддатидан илгари тугатиш;
4. “APEX BANK” АЖ Бошқарув раисини тайинлаш;
5. “APEX BANK” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатини муддатидан илгари тугатиш;
6. “APEX BANK” АЖ Кузатув кенгаши таркибига сайлов ўтказиш.

Маълумотларни тақдим этиш, кун тартиби бўйича таклиф ва шарҳларни йиғиш, шунингдек, Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишни ташкил этиш йиғилиш Котиби томонидан таъминланди.

Акциядорларни рўйхатга олиш, овоз бериш бюллетенларини тарқатиш, шунингдек овозларни санаб чиқиш Санок комиссияси томонидан амалга оширилди.

Барча ташкилий масалалар кўриб чиқилганидан сўнг, кун тартибидаги масалалар муҳокамасига ўтилди.

1-масала. Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссияси таркибини тасдиқлаш юзасидан йиғилиш раиси Б.И.Усманова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига кўра, Санок комиссиясини тузиш ва Санок комиссияси аъзолигига номзодларни кўрсатиш кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтиб ўтди ва шу сабабли, уч кишидан иборат Санок комиссиясининг таркибига қуйидаги номзодларни таклиф этилаётганлигини маълум қилди.

1. Абдужаббаров Сардор Садриддинович;
2. Тўлқинов Бехруз Шухрат ўғли;
3. Зойиров Шерзод Илхомович.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Санок комиссиясининг таркиби қуйидаги аъзолардан иборат этиб тасдиқлансин:
1. Абдужаббаров Сардор Садриддинович;
2. Тўлқинов Бехруз Шухрат ўғли;
3. Зойиров Шерзод Илхомович.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 500 000 000 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

2-масала. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш юзасидан йиғилиш раиси Б.И.Усманова сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларини умумий йиғилишни ўтказиш регламенти билан таништирди ва уни қуйидагича тасдиқлаш таклифини киритди:

- асосий масалалар ва маърузаларнинг чиқишларига – 10 дақиқагача;
- қўшимча маърузалар, муҳокама ва савол-жавоблар учун – 5 дақиқагача;
- овоз бериш натижаларини санаб чиқиш учун танаффус – 15 дақиқа.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

2. “APEX BANK” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- асосий масалалар бўйича маърузачиларнинг чиқишларига – 10 дақиқагача;
- қўшимча чиқишлар, эътироз ва музокаралар учун – 5 дақиқагача;
- овоз бериш якунларини ҳисоблаш учун танаффус – 15 дақиқа.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 500 000 000 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

3-масала. “APEX BANK” АЖ Бошқарув раиси ваколатини муддатидан илгари тугатиш.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича йиғилиш раиси Б.И.Усманова сўзга чиқиб, Банкнинг бошқарув раиси Нуъмонов Бахром Хамидуллаевич томонидан 2025 йил 26 февралда ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида ариза киритилганлигини ва унинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилиши лозимлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 489-моддасига кўра ташкилот раҳбари ўз ташаббусига кўра муддати тугашидан олдин муддатли меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли бўлиб, бу ҳақда иш берувчини икки ой олдин ёзма шаклда огоҳлантириши кераклиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунинг 59-моддасига асосан жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киради.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Бошқарув раиси Нуъмонов Бахром Хамидуллаевичнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш таклиф этилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

3. “APEX BANK” АЖ Бошқарув раиси Нуъмонов Бахром Хамидуллаевичнинг ваколати муддатидан илгари 2025 йил 14 майдан тугатилсин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 500 000 000 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

4-масала. “APEX BANK” АЖ Бошқарув раисини тайинлаш.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича йиғилиш раиси Б.И.Усманова сўзга чиқиб, Банк бошқарув раислигига сайлаш учун Банк бошқарув раисининг ўринбосари Гимадиев Сергей Абдулхаевич номзодини кўриб чиқишни тавсия қилди.

Гимадиев Сергей Абдулхаевич, 2005 йилдан бошлаб банк соҳасида ишлаб келишини ва банк соҳасида катта тажрибага эга эканлиги, “APEX BANK” АЖдаги меҳнат фаолиятини 2024 йил май ойидан Банк бошқарув раиси ўринбосари лавозимида бошлаганлиги ва ҳозирги кунга қадар шу лавозимда ишлаб келаётганлиги айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунинг 59-моддасига асосан жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киради.

Шунингдек, “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомга мувофиқ Банк, бошқарув аъзоси ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходимларнинг бошқа лавозимга ўтказилиши ва (ёки) улар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши натижасида бўшаб қолган лавозимларга мазкур Низом талабларига мувофиқ келувчи номзодларни 30 кун ичида Марказий банкка келишиб олиш учун такдим этиши лозим.

Муҳокама давомида, акциядорлар томонидан Банк бошқарув раислигига таклиф этилаётган Гимадиев Сергей Абдулхаевичга 2025 йил 15 майдан бошлаб, Бошқарув раиси вазифасини бажаришни вақтинча юклаш ва унинг номзоди Марказий банк билан келишиб олинганидан сўнг, Гимадиев Сергей Абдулхаевични Банк бошқарув раислигига тайинлаш таклиф этилди.

Раислик қилувчи кун тартибидаги ушбу масала бўйича овоз беришни ҳамда овоз бериш натижаларига кўра, тегишли қарорлар қабул қилишни таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

4.1. *“APEX BANK” АЖ Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажариши 2025 йил 15 майдан бошлаб Гимадиев Сергей Абдулхаевичга, унинг номзоди Марказий банк билан келишиб олингунига қадар юклатилсин;*

4.2. *Гимадиев Сергей Абдулхаевич, унинг номзоди Марказий банк билан келишиб олинганидан сўнг, “APEX BANK” АЖ Бошқарув раиси этиб тайинлансин.*

Овоз бериш натижалари:

Рози – 500 000 000 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

5-масала. “APEX BANK” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатини муддатидан илгари тугатиш.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича йиғилиш раиси Б.И.Усманова сўзга чиқиб, Банкнинг амалдаги Кузатув кенгаши аъзолари Усманова Барнохон Исмаилходжаевна, Хожимуродов Анваржон Сойибжонович, Сабуров Анвар Розметович, Анваров Мирзаилхом Рафиковичлар томонидан Банкнинг кузатув кенгаши таркибидан чиқаришни ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатишни сўраб аризалар тақдим этилганлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига кўра, жамият кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласи акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатида эканлиги таъкидланди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Банкнинг кузатув кенгаш аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласи Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига киритилган.

Муҳокама давомида, акциядорлар томонидан Банк кузатув кенгаши аъзолари Усманова Барнохон Исмаилходжаевна, Хожимуродов Анваржон Сойибжонович, Сабуров Анвар Розметович, Анваров Мирзаилхом Рафиковичларнинг ваколатларини муддатидан илгари 2025 йил 14 майдан тугатиш таклиф этилди.

Шундан сўнг, Раислик қилувчи кун тартибидаги ушбу масала бўйича овоз беришни ҳамда овоз бериш натижаларига кўра, тегишли қарорлар қабул қилишни таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

5. *“APEX BANK” АЖ Кузатув кенгаши аъзолари Усманова Барнохон Исмаилходжаевна, Хожимуродов Анваржон Сойибжонович, Сабуров Анвар Розметович, Анваров Мирзаилхом Рафиковичларнинг ваколатлари муддатидан илгари 2025 йил 14 майдан тугатилсин.*

Овоз бериш натижалари:

Рози – 500 000 000 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

6-масала. “APEX BANK” АЖ Кузатув кенгаши таркибига сайлов ўтказиш.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича йиғилиш раиси Б.И.Усманова сўзга чиқиб, Банк акциядорларининг умумий йиғилишига кузатув кенгаши аъзолари Усманова Барнохон Исмаилходжаевна, Хожимуродов Анваржон Сойибжонович, Сабуров Анвар Розметович, Анваров Мирзаилхом Рафиковичларнинг ваколатларини муддатидан аввал

тугатиш масаласи киритилаётгани сабабли Банкнинг кузатув кенгаши таркибига сайлов ўтказиш лозим эканини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 76-моддасига асосан, жамият кузатув кенгашининг аъзолари қонунда ва жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

Ушбу қонуннинг 78-моддасига қўра Кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан рўйхатга олинган “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомнинг 129-бандига асосан, Банк кузатув кенгаши аъзосининг бўшаб қолган лавозимларга, уларнинг сони банк Уставида белгиланган миқдордан 75 фоиз ёки ундан камини ташкил этса ва (ёки) банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган энг минимал талабдан камроқни ташкил этса, мазкур Низом талабларига мувофиқ келувчи номзодларни 30 кун ичида Марказий банкка келишиб олиш учун тақдим этиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масаласини ҳал қилиш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатида эканлигини таъкидланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Банк акциядорлари Пулатов Дилмурод Ильясович (50,00% улушга эга) ва Мухитдинов Хамидулла Нуритдиновичлар (50,00% улушга эга) томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишига Банк кузатув кенгаши янги таркибига сайлаш учун қуйидаги номзодларини киритиш таклиф қилинган:

1. **Зайнутдинов Нуриддин Сайфутдинович** – ID карта AD 2577804, IIV 60009 томонидан 14.02.2023 йилда берилган. Яшаш манзили: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Оққўрғон кўчаси, 6-уй, 12-хонадон;

2. **Нуъмонов Баҳром Хамидуллаевич** - ID карта AD 5350939, IIV 26273 томонидан 07.12.2023 йилда берилган. Яшаш манзили: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Хамал кўчаси, 29/7-уй, 52-хонадон;

3. **Джурабаев Аббос Адилович** - Паспорт AC 2135158, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани ИИБ томонидан 13.08.2019 йилда берилган. Яшаш манзили: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Хислат МФЙ, Мардон ва Мирзо Ғолиб 3 тор кўчаси 47 – уй;

4. **Хамидов Акмал Акрамович** - ID карта AD 5350939, IIV 26273 томонидан 07.12.2023 йилда берилган. Яшаш манзили: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси 251/1-уй, 27-хонадон;

5. **Гултураев Шохпур Негматуллаевич** - ID карта AD 5350939, IIV 26273 томонидан 07.12.2023 йилда берилган. Яшаш манзили: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Исломобод кўчаси, 4-тор, 40-уй.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан таклифлар атрофлича ўрганиб чиқилиб, Банк кузатув кенгаши таркибига акциядордан келиб тушган таклифларга ҳамда Кузатув кенгашининг берган тавсиясига асосланиб тегишли тартибда овоз бериш сўралди.

Кумулятив овоз бериш натижалари:

1. *Зайнутдинов Нуриддин Сайфутдинович;*

Кумулятив овозлар сони –500 000 000 та овоз.

2. *Нуъмонов Баҳром Хамидуллаевич;*

Кумулятив овозлар сони –500 000 000 та овоз.

3. *Джурабаев Аббос Адилович;*

Кумулятив овозлар сони –500 000 000 та овоз.

4. *Хамидов Акмал Акрамович;*

Кумулятив овозлар сони –500 000 000 та овоз.

5. Гултураев Шохпур Негматуллаевич.
Кумулятив овозлар сони –500 000 000 та овоз.

ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАР:

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:

Саноқ комиссиясининг таркиби қуйидаги аъзолардан иборат этиб тасдиқлансин:

1. Абдужаббаров Сардор Садриддинович;
2. Тўлқинов Бехруз Шухрат ўғли;
3. Зойиров Шерзод Илхомович.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:

2. “APEX BANK” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти қўйидагича тасдиқлансин:

- асосий масалалар бўйича маърузачиларнинг чиқишларига – 10 дақиқагача;
- қўшимча чиқишлар, эътироз ва музокаралар учун – 5 дақиқагача;
- овоз бериш яқунларини ҳисоблаш учун танаффус – 15 дақиқа.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:

3. “APEX BANK” АЖ Бошқарув раиси Нуъмонов Баҳром Хамидуллаевичнинг ваколати муддатидан илгари 2025 йил 14 майдан тугатилсин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:

4.1. “APEX BANK” АЖ Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажариш 2025 йил 15 майдан бошлаб Гимадиев Сергей Абдулхаевичга, унинг номзоди Марказий банк билан келишиб олингунига қадар юклатилсин;

4.2. Гимадиев Сергей Абдулхаевич, унинг номзоди Марказий банк билан келишиб олинганидан сўнг, “APEX BANK” АЖ Бошқарув раиси этиб тайинлансин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича:


5. “APEX BANK” АЖ Кузатув кенгаши аъзолари Усманова Барнохон Исмаилходжаевна, Хожимуродов Анваржон Сойибжонович, Сабуров Анвар Розметович, Анваров Мирзаилхом Рафиковичларнинг ваколатлари муддатидан илгари 2025 йил 14 майдан тугатилсин.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича:

6. “APEX BANK” АЖ Кузатув кенгаши янги таркиби қуйидаги шахслардан иборат этиб 3 (уч) йил муддатга сайлансин:

1. Зайнутдинов Нуриддин Сайфутдинович;
2. Нуъмонов Баҳром Хамидуллаевич;
3. Джурабаев Аббос Адилович;
4. Хамидов Акмал Акрамович;
5. Гултураев Шохпур Негматуллаевич.

Раислик қилувчи



Усманова Барнохон Исмаилходжаевна

Йиғилиш котиби



Мухаммедов Шухрат Шойимович